

20-Fevral, 2026-yil

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

Алижонов Иброхимжон Рустамжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси,*

Babdullayev490490@gmail.com, +99897-707-75-69

Аннотация: *Мазкур мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган, олимларнинг илмий тадқиқот изланишлари, юридик адабиётлар ҳамда қонун ҳужжатлари хусусан чет давлатларнинг қонунчилигида жамоат хавфсизлиги тушунчасига берилган таърифлар таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлиллار асосида жамоат хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *Жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги объеклари, ҳаётий муҳим манфаатлар, Конституция, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари.*

**ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ**

Алижонов Иброхимжон Рустамжон ўғли,

*Независимый соискатель Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан*

Babdullayev490490@gmail.com, +99897-707-75-69

Аннотация: *В данной статье рассматривается правовая база общественной безопасности, анализируются научные исследования, юридическая литература и законодательство, в частности определения понятия общественной безопасности в законодательстве зарубежных стран. На основе анализа были даны рекомендации по совершенствованию нормативно-правовой базы обеспечения общественной безопасности.*

Ключевые слова: *Общественная безопасность, общественный порядок, объекты общественной безопасности, жизненно важные интересы, Конституция, законы, нормативные правовые акты, общепризнанные нормы международного права.*

Alijonov Ibrokhimjon Rustamjon ogli,

Independent applicant of the University of Public

Security of the Republic of Uzbekistan

Babdullayev490490@gmail.com, +99897-707-75-69

Annotation: *This article discusses the legal framework of public security, analyzes scientific research, legal literature and legislation, in particular the definition of the concept of public security in the legislation of foreign countries. Based on the analysis, recommendations were made to improve the legal framework for ensuring public safety.*

Key words: *Public security, public order, objects of public security, vital interests, the Constitution, laws, regulations, generally recognized norms of international law.*

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари вужудга кела бошлади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчи гуруҳ: халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларини;

иккинчи гуруҳ: жамоат хавфсизлигига оид миллий қонунчилик тизими.

Ҳозирги замонда Ўзбекистон жаҳон глобал интеграция жараёнларида фаол иштирок этиб, халқаро ҳамжамиятнинг тўла қонли субъекти сифатида ўрин эгаллаб келмоқда.

Бу борада халқаро мулоқотлардаги давлатлараро ва бошқа қатнашувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устуворлигини таъминлаш муҳим талаблардан бўлиб, турли халқаро шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенциялар, декларациялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг норматив базаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришилган илк даврдан бошлаб халқаро муносабатларнинг тўлиқ ҳуқуқли субъекти сифатида, ҳуқуқий давлат қуриш, давлат қурилишининг халқаро андозаларга мос мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу сабабли Конституциямизнинг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажрибаси ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилиши билан биргаликда, унда кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг[1] умумэтироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа

халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмлари мужассамлашган.

Бу борада миллий қонунчилигимизда ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини, қўлланилиш амалиёти, жамоатчилик фикрини ўрганиш билан бир қаторда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олиш, шунингдек бошқа давлатлардаги ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибани ўрганиш талаби белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва қоидаларига изчил риоя қилинмоқда, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этиб, уларни бажармоқда. Халқаро ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш аввало нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро тенглик асосида ҳамкорлик қилишда ва мамлакатимизда рақобатбардошликни таъминлаб, халқаро майдонда мамлакат нуфузини ошишига хизмат қилади.

Шу боисдан, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда[2].

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони[3] инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Шу боисдан биринчи гуруҳга айнан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қуйидаги ҳужжатларни киритишимиз мумкин:

20-Fevral, 2026-yil

Бола ҳуқуқлари декларацияси (1923 й.); Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.); Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация (1975 й.); Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларация (1986 й.), (1979 й.); Вена декларацияси ва ҳаракат дастури (Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон конференцияси, 1993 й.); Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси (Аёллар бўйича Жаҳон конференцияси, 1995 й.); Инсон бурчи ва масъулият декларацияси (ЮНЕСКО, 1998 й.); Маданий хилма-хиллик умумжаҳон декларацияси (ЮНЕСКО, 2001 й.); Маҳаллий халқлар ҳуқуқлари декларацияси (БМТ, 2007 й.); Жинсий ориентация ва гендер идентификатори бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти декларацияси (2008 й.); Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1965 й.); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.); Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.); Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 й.); Қийноқлар Конвенцияси (Қийноқ Конвенцияси, 1983 й.); Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенция (1984 й.); Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 й.); Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1990 й.); Барча шахсларни зўрлик билан йўқ қилишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (2006 й.); Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (2006 й.); Геноцид жиноятининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция; Мустақил мамлакатлардаги маҳаллий ва қабила халқлари тўғрисидаги конвенция (1989 й.) ва бошқа Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган (қабул қилинган, аъзо бўлган) халқаро шартномалар, декларациялар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжаталар[4].

Мазкур халқаро ҳуқуқ нормалари жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Чунончи, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида[5], Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми эканлиги белгилаб қўйилган.

Иккинчи гуруҳ жамоат хавфсизлигига оид миллий қонунчилигимизга тўхталиб ўтадиган бўлсак, мазкур гуруҳни шартли равишда яна қуйидаги иккита кичик гуруҳларга бўлишимиз мумкин, яъни биринчи кичик гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари; иккинчи кичик гуруҳга Ўзбекистон Республикаси қонуности ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Биринчи кичик гуруҳга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Ички ишлар

20-Fevral, 2026-yil

органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлари ва бошқа қонунлар[6].

Мазкур қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир айрим муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини тартибга солишда Конституция ва қонунларнинг ўрни беқиёсдир, чунки булар олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланиб, қонунларнинг халқ вакилларида иборат Олий мажлис томонидан қабул қилиниши ҳамда Президент томонидан имзоланиши уларга янада легитимлик бағишлайди.

Иккинчи кичик гуруҳга жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат дастурлари, йўл ҳариталари, стратегик дастурлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари[7] ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бизнингча, мазкур қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш, қонунларда белгиланган айрим вазифаларни манзилли ижро этишда муҳим ўрин эгаллайди, чунончи қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли фармон, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланиб уларда аниқ вазифалар, вазифаларни амалга ошириш йўллари, ижросига масъул орган, ижро муддати аниқ белгилаб берилади. Бу эса қонунлар ижросини сифатли амалга ошириш, муйян ижтимоий масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг самараси ўлароқ Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда бир қатор ижобий натижаларни бериб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этиш, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилашга хизмат қилмоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган Жамоат хавфсизлиги концепцияси асосида ҳамда ҳозирги замонда юзага келаётган таҳдидларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш органларини фаолиятини ташкил этиш тартиби ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Қонунда жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва хавфсизлик объектлари, субъектлари, принципларини белгилаб ўтиши лозим.

Жумладан, жамоат хавфсизлигига оид асосий тушунчаларга:

жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи хавф-ҳатар ва таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати;

жамоат хавфсизлиги объектлари – жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари;

жамоат хавфсизлигига таҳдидлар – жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа, ходиса, жараён, шарт-шароитлар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган барча ҳолатлар мажмуи;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш - жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахборот, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

жамоат хавфсизлигининг предметлари - жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташкил этувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, экологик, ҳуқуқий ва бошқа соҳалар;

жамоат тартиби – ахлоқ, маънавият, урф-одат ва анъаналар нормаларига асосланган жамоат ҳаётининг маълум бир тартибини белгилайдиган, фуқароларнинг жамоат жойларида бирга бўлганда юриш-туриш ҳуқуқий норма ва ҳуқ-атвор қоидалари йиғиндиси;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак жамоат хавфсизлигини таъминлашда унинг ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги ва мустаҳкамлиги муҳим ўрин эгаллайди, чунончи барча ривожланган демократик давлатларда Конституция ва қонун устуворлиги сўзсиз тан олинади.

Шу билан бирга, ҳозирги ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш олдимизда турган энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турган айтилган дамда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб бориш бизнинг пировард вазифамиз ҳисобланади.

Шу сабабли таклиф этилаётган тавсияларимиз мамлакатимиздаги мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд тафовутларни тўлдириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фаолият юритаётган давлат органларининг фаолият самарадорлигини ошириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилади. Тинчлик бор жойда эса, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт ҳукм суради.

Бугунги даврда Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизида барпо этилмоқда. Давлатимиз Раҳбари белгилаб берган бу улуғвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳаракатларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак»[8].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган // <https://constitution.uz/> (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6012-сонли Фармони // <https://lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнь кунидаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли фармони // <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> по материалам свободной энциклопедии (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февраль кунидаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎРҚ-518-сон қонуни

20-Fevral, 2026-yil

[//http://www.lex.uz](http://www.lex.uz) // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);

6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги №336-ХII-сон Қонуни, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-471-сон Қонуни, “Прокуратура тўғрисида”ги ЎРҚ-257-II-сон Қонуни, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, ЎРҚ-407-сон Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон Қонуни, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги ЎРҚ-737-сон Қонуни, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги ЎРҚ-458-сон Қонуни, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сон Қонуни, [//http://www.lex.uz](http://www.lex.uz) // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, №ПҚ-4075, қабул қилинган сана 24.12.2018, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, №ПҚ-3786, қабул қилинган сана 19.06.2018, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5308-сон фармони, қабул қилинган сана 22.01.2018, Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-5635-сон фармони, қабул қилинган сана 17.01.2019, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4166-сон қарори, қабул қилинган сана 07.02.2019, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4997-сон, қабул қилинган сана 20.02.2021, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сон фармони, қабул қилинган сана 26.03.2021, Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ-5077-сон, қабул қилинган сана 15.04.2021; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5089-сон қарори, қабул қилинган сана 22.04.2021, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-27-сон фармони қабул қилинган сана 29.11.2021. қаранг [//http://www.lex.uz](http://www.lex.uz) // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (мурожаат санаси 21.02.2022 йил);

8. Э.Туляков Ҳаракатлар стратегияси ва тараққиёт стратегияси: фарқли жиҳатлари нимада? <https://strategy.uz/> “Тараққиёт стратегияси” маркази рамий веб сайти (мурожаат санаси 21.02.2022 йил).